

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” УЮШМАСИ

“ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА
ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ”

Республика илмий-амалий конференция
материаллари

2018 йил 13-14 апрель

Қарши – 2018

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”га асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сонли буйруғи билан тасдиқланган режа-топшириги ижросини амалга оширишга бағишланган “Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни” республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўпламида қадимги ва ўрта асрлар даврида жанубий Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ривожланиши, мустамлака даврида Ўзбекистон давлатчилиги, маданияти, тарихшунослиги ва манбашунослиги, мустақиллик даврида жанубий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши, ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда инновацион технология ҳамда бошқа долзарб вазифалар хусусида таҳлилий мулоҳазалар билдирилган.

Ушбу тўпламнинг чоп этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг илм фан соҳасида фармонлари, қарорлари ижросини амалга оширишга бағишланган.

Тақдим этилаётган маърузалар тўплами турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Эргашева Ю.А. -	т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар “Олима” уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси
-----------------	--

Таҳрир ҳайъати ва аъзолари:

доц.	Холиқулов П.
доц.	Васиева Д.И.
доц.	Темирова Ч.Х
т.ф.н.	Тиловатов Ф.У.
к.ўқит.	Хосиятов Х.О.

Мазкур тўплам Қарши муҳандислик-иқтисодиёт Илмий Кенгашининг 2018 йил 30 март № 8 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинди.

Тўпламга киритилган маълумотлар тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

© Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, 2018 й.

махаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

- иккинчидан, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда миллий лабораториялар томонидан амалга оширилган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинishi учун асос яратиш;

- учинчидан, саноат тармоқларида қўлланилаётган юқори аниқликдаги асбобларни тўлиқ метрологик текширувдан ўтказиш, бир қатор эталонлар ва энг юқори аниқликда ўлчаш воситаларини харид қилиш орқали миллий корхоналарнинг хорижий мамлакатлар метрология институтига боғлиқлигини камайтириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда мустақил Ўзбекистонда стандартлаштириш ва метрология соҳасининг аҳамиятига ва ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз корхоналарида рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва экспорт қилинишига эришилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2935 - сонли қарори.
3. П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Қодирова, А.А.Аъзамов. Метрология асослари. Ўқув қўлланма. Т., ТДТУ, 2007 й.

СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ИШЛАЁТГАН СУҒОРИШ НАСОС СТАНЦИЯЛАР ТАРИХИ

(Қашқадарё вилояти Пахтакор насос станцияси мисолида)

Ғайимназаров И.Х., Қувватов У.Ж, Норчаев А.Ж. – ҚарМИИ

Биринчи насоснинг яратилиши узоқ тарихга эга. Эрамыздан аввалги IV аср Аристотель даврида оддий поршенли насослар ишлатилган. Сув кўтариш жихозлари одамлар ва уй ҳайвонлари ёрдамида қадимги Мисрда эрамыздан аввалги бир неча минг йил аввал ишлатилган. Рим империяси Сезер даврида эрамыздан аввалги I асрда сувни кўтариш учун поршенли насослар кенг қўлланилган.

Россия ишлаб чиқаришда поршенли насосларнинг кириб келиши тоғ-кон ва металлургиянинг ривожланиши билан боғлиқ. XVIII асрда К.Д.Фролов ва бошқалар инженерлар тоғ-кон ишларига сувни чиқариб ташлаш ва тоғ жинсларини ювиш учун поршенли насосларни қўллаган. Насосларни ишлатиш учун улар сувнинг механик энергиясидан фойдаланишган. Насосларнинг кенг қўлланишдан келиб чикиб буғ билан ишлайдиган кейинчалик эса электродвигатель ёрдамида ишлайдиган насослар ишлаб чиқаришга кириб келган. 1832- йилда инженер А.Саблўков марказдан қочма вентиляторларни завод ва шахталарда ҳавони циркуляция қилиш учун тавсия қилган. Шундан сўнг у биринчи бўлиб вентиляторсозликда ўзининг фикрларни илгари сўриб катта ҳиссасини қўшган.

Аму-Қашқадарё сув таъминоти тизимлари бошқармаси қошидаги “Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси” га қарашли насос станцияларида ўрнатилган ёрдамчи қурилмалар станциянинг нормал режимда эксплуатация қилинишига ва асосий қурилмаларини ишга тушириш ва тўхтатишда тегишли шароитлар яратадилар. Пахтакор насос станциясида 7 дон асосий насос агрегати мавжуд. Насос маркаси 24 НДС, электромотор маркаси ВДС 375/105-24 УХЛ, қуввати 1250 кВт кучланишли 6000 В. Секундига ҳар бир насос агрегати 1,4

м³/сек ҳажмда 56 метр баландликка сув чиқаради. Насос агрегатларига ЗД-1000 дискли қулфак ўрнатилган, босим қувурнинг узунлиги 5,5 км бўлиб, диаметр 1200 мм.



2-расм. Пахтакор насос станцияси

Ҳар бир насос агрегатидаги моторларига РВМ-6 маркали разрядниклар урнатилган. Булар моторларни ортиқча кучланишлардан ҳимоя қилади. Бундан ташқари насос станцияси электромоторларни дифференциал ҳимоя, асинхрон режимга утишидан ҳимоя қилувчи, минимал кучланишдан ҳимоя қилувчи, техник ва механик ҳимоя қилувчи ускуналар билан жиҳозланган. Пахтакор насос станциясида тусатдан электр энергияси узилиб қолган вақтда, авария ҳолатида ишловчи СМД - 7 ва К-312 Д маркали дизел электростанциялари мавжуд. Бу электростанциялар насос станциясидаги зах сувларни олиб чиқишга ва ёритгичларни ишлатиш учун хизмат қилади.

Насос станциясида 2 дона шахсий истеъмолчилар трансформатори мавжуд бўлиб, уларнинг қуввати $P=160$ кВА ва $P=100$ кВА, 6кВ кучланишни 0,4 кВга пасайтириб бериш учун хизмат қилади. "Эски анхор" каналидан оқиб келаётган ҳашакларни ушлаб қолиш учун ҳашак ушлагич панжаралар ўрнатилган. Тупланган ҳашакларни олиш учун, ҳашак олиш машинаси мавжуд. Ҳарбир насос агрегатини таъмирлаш учун шандорлардан фойдаланилади. Бу шандорлар 5 тонналик электротельфер ёрдамида кўтариб туширилади. Насос станциясини доимий ток билан таъминлаш учун аккумулятор батареяларидан фойдаланилади. Бу доимий ток ҳимояловчи воситаларни ишлатиш учун керак. Насос станциясидаги асосий ва ёрдамчи электр ускуналарни электр энергияси билан таъминлаш учун ААБГ, АШВ, КРПТ, АБВГ ва контроль кабеллари ишлатилади. Электр моторларга ўрнатилган 309 подшипниклари мойланади. Насос ва машиналар залига ўрнатилган ДРЛ-500 туридаги лампали ёритгичлар ГЛ-85 туридаги энергия тежовчи гологен лампали ёритгичларга алмаштирилади.

Насос станцияси мавсумий циклида ишлайди. Йилда ўрта ҳисобда 200 250 кун суғориладиган ерларни сув билан таъминлайди ва қолган даврда таъмирлаш ишлари бажарилади. «Пахтакор» насос станцияси Аму-Кашкадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси системасини бошқариш учун марказий диспетчер хизмати бор ва улар насос станцияларидаги навбатчи муҳандислар орқали жараёнларни бошқарадилар. Ҳар суткада бир марта марказий диспетчер хизмати диспетчери насос станциялардаги технологик жараёнлари тўғрисида тегишли маълумот беришади, Ушбу маълумотлар ва сув беришга келган талабларга асосан каналдан сув етказиш режимларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М. Мамажонов ва бош. Насослар ва насос станциялари. Ўқув қўлланма, Тошкент, ТИМИ, 2010
2. Лисов К.И., Григорьев К.Т. Насос ва насос станциялари.-Т: Ўқитувчи, 1980
3. Чебаевский В.Ф. и др. Проектирование насосных станций и испытание насосных установок. М.: Колос, 1982 г.
4. <http://www.ziyounet.uz/get>

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.О. Шодиева – “Имконияти чекланган ёшлар

ва болалар маркази” раҳбари

Д.А. Кучкарова – ЎЗМУ, магистрант

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан ҳар бир соҳаларларга алоҳида этибор қаратила бошланди жумладан, ижтимоий соҳага ҳам. Мустақиллик йилларининг илк даврларида мамлакатимизда 1991-йил 18-ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қабул қилинган қонун ногиронларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги улкан қадам бўлди. Қабул қилинган қонунда доирасида мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кўплаб ислохотлар олиб борилди.

Ижтимоий соҳанинг асосий вазифалардан бири- имконияти чекланган инсонларни манфаатларини давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий кафолатлаш, уларнинг таълим олишлари, меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари доирасида уларга имкониятлар яратиб бериш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз ривожлангани сари имконияти чекланган инсонларга яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлари сони янада кўпайтирилди. Мисол тариқасида, 2007-йил 25-декабрда қабул қилинган яна бир муҳим қонунимиз “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси” нинг

27-бобининг 158-моддасида келтириб ўтилган қонунда “Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади”[1], таъкидлаб ўтилгандир.

Имконияти чекланган инсонларни таълим олишлари учун таълим соҳасида ҳам бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ногирон шахслар учун таълим олишлари мақсадида уларга мослаштирилган махсус мактаб интернатлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилгандир. Мисол тариқасида 2008-йилда мамлакатимизда имконияти чекланган инсонлар учун “Инклюзив таълими” жорий қилинди. Инклюзив таълимни жорий қилишдан асосий мақсади-Жамиятда алоҳида эҳтиёжли шахсларни жамиятга интергациялашувини таъминлашдан иборатдир. Яъни жамиятда барча қатори ҳамма билан тенг ҳуқуқли тарзда таълим тарбия олиш, ўз ўрнига эга бўлиш имкониятларини яратишдир.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг имконияти чекланган инсонларга оид қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан 2017-йил 1-августдаги Ф-5006 сонли “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[2] фармони қабул

Ч.Темирова	Ўзбекистонда қишлоқларнинг ижтимоий-маданий ҳаётини яхшилашда “Обод қишлоқ” дастурининг ўрни.....	188-190
D.A.Abduqahhorova	Adolatli saylovlar – xalq xohish-irodasining oliy ifodasi, demokratiya ko'zgusi.....	190-191
Б.Аҳмедов	Мустақиллик йилларида қорақўлчилик соҳасини ривожлантириш тадбирлари ва уларнинг натижалари.....	192-194
Ю.А.Эргашева Н.Шаропова	Халқ таълими ва маданият.....	194-196
Q.A.Mahmazarov	O'zbekistonda sud tizimi tarixi.....	196-198
Л.Ш.Анварова	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши.....	198-199
М.Ражабова	Ўзбекистонда ўрта тиббиёт кадрлари тайёрлаш иши тарихидан.....	199-201
Ф.Искандаров, Ш. Низомов	Ёшларимизни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш.....	201-203
Ш.Г.Набиева	Қашиқадарё вилоятида катта ёшдаги аҳоли ўртасида ноинфекцион касалликлар ҳолати ва уларни профилактикаси.....	203-207
М. Турсунбоева, И.Ёқубова, У.А.Махмонов	Мустақил Ўзбекистонда стандартлаштириш ва метрологиянинг ривожланиши.....	207-209
И.Х Ғайимназаров У.Ж. Қувватов, А.Ж. Норчаев	Сув таъминоти тизимларида ишлаётган сугориш насос станциялар тарихи.....	209-211
Р. О. Шодиева Д. А. Кучкарова	Мустақиллик йилларида имконияти чекланганларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	211-212
Д.И.Васиева А. Ш.Ахмедова	Таълим тизимидаги ислохотларнинг юксак самараси.....	212-215
Ш.Ш. Файзиева	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда таваккалчиликнинг аҳамияти.....	215-217
З.С.Шохўжаева Н. Салимова	Қашиқадарёда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги.....	217-220
З.Т.Рўзиева, Д.Файзуллаева	Кальций нитритни маҳаллий хомашёлар асосида олиш.....	220-221
С.Н. Хамраева	Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини инновацион ривожлантиришнинг SWOT – таҳлили.....	222-224
А.Б. Қурбонов	Иқтисодиётни модернизациялашув шароитида миллий тўлов тизимининг аҳамияти.....	224-226
Ф.Э. Очилов	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш - жамият тараққиётининг гарови.....	226-228